

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Х У К М

2024 йил ноябрь ойининг 25 куни, жиноят ишлари бўйича Ёзёвон туман суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида бўлиб,

Раислик қилувчи: Х.Холиқов,

судья ёрдамчиси-О.Кобуловнинг котиблигида, тарафлардан Ёзёвон туман прокурорининг ёрдамчиси М.Мамасолиев, судланувчи А.Назаров ва унинг ҳимоячиси-адвокат Л.Маматкуловларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а, б” бандлари билан Назаров Адхам Комиловични айблаш ҳақидаги 1-1510-2401/179-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Назаров Адхам Комилович, 1965 йил 11 март куни Фарғона вилояти, Охунбобоев (ҳозирги Ёзёвон) туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, олти нафар фарзанди бор, ёлланма ишчи, муқаддам судланган: жиноят ишлари бўйича Ёзёвон туман судининг 2023 йил 16 октябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми билан ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, шу суднинг 2024 йил 10 сентябрдаги ажримига кўра, ЖК 73-моддасига асосан жазонинг ўталмай қолган 1 йил 2 ойидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, Ёзёвон туман, Юқори Сойбўйи МФЙ, Шукрона кўчаси, 18-уйда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 18 ноябрь куни олган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, тарафларнинг музокара нутқларини, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи А.Назаров илгари гиёҳвандлик воситаси билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этгани ҳолда, кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда сақлаш жиноятини қуйидаги ҳолатда содир этган.



Яъни у, 2023 йил ёз фаслида яшаш хонадони Ёзёвон тумани, Юқори Сойбўйи МФЙ, Шукрона кўчаси, 18-уйининг томорқасида бўлган ер майдони четидан ёввойи наша ўсимлик шоҳ ва барглари кейинчалик ўз истеъмол қилиш мақсадида териб олиб, уларни қуритиб, сотиш мақсадини кўзламай сақлаб келган.

Ёзёвон тумани ИИБ ходимлари томонидан 2024 йил 4 октябр куни ўтказилган тезкор тадбирда, унинг Ёзёвон тумани, Юқори Сойбўйи маҳалласи, Шукрона кўчаси, 18-уйи холислар иштирокида кўздан кечирилганда, уйининг ошхонасида бўлган михга илиниб турган қора целофан пакетда “марихуана”га ўхшаш моддани қонунга хилоф равишда сақлаётганлиги аниқланиб, ушбу гиёҳвандлик моддалари холислар иштирокида процессуал тартибда расмийлаштирилиб ашёвий далил тариқасида олинган.

Судга оид кимёвий экспертизанинг 2024 йил 4 октябрдаги 1320-сонли хулосасида, А.Назаровнинг яшаш хонадонидан аниқланган яшил-сарғиш рангли, қуритилган ҳолдаги ўзига хос хидга эга бўлган моддалар таркибида фаол гиёҳванд модда-тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, ушбу ўсимлик марихуана деб аталувчи гиёҳвандлик воситалари туркумига кириши, қуритилган ҳолдаги марихуананинг соф оғирлиги 56 (эллик олти) грамга тенглиги кўрсатилган.

Судга оид наркология экспертизасининг 2024 йил 15 октябрдаги 499-сонли хулосасида, А.Назаров “Гашишли гиёҳвандлик 2-босқич” касаллиги билан оғриши ва у гиёҳвандликдан мажбурий даволанишга муҳтож эканлиги кўрсатилган.

Судланувчи А.Назаров судда, 2024 йил 4 октябр куни соат 06:00 ларда ИИБ ходимлари икки нафар холислар билан бирга келишиб, унга унинг ёнини ва яшаш хонадонини текширишларини, бунинг учун жиноят ишлари бўйича Ёзёвон туман суднинг ажрими борлигини айтишиб, ўзлари унга ўқиб эшиттириб таништиришиб, сўнг ёнида, яшаш хонадонидан тақиқланган наша ва бошқа гиёҳвандлик моддалари бўлса, уларни ўз ихтиёри билан тақдим қилса, унга нисбатан қонун асосида енгиллик бўлишини тушунтиришганини, у ИИБ ходимларига тақиқланган нарсаларни сақламаслигини билдириб ёнини, уйини текшириб олишлари учун розилик билдирганини, сўнг ИИБ ходимлари икки нафар холислар иштирокида эгнидаги кийимларини, сўнг яшаш хонадонининг барча хоналарини тинтувдан ўтказишганини, тинтув давомида давомида яшаш хонадонининг ошхонасида қоқиб қўйилган михга илинган қора целофан пакетни аниқлашганини, ушбу қора целофан пакет унинг ҳамда холислар иштирокида қаралганида, у ерда гиёҳвандлик моддаси борлигини кўришганини, ИИБ ходимлари икки нафар холислар иштирокида гиёҳвандлик моддасини ундан ашёвий далил тариқасида олишиб, олинган “марихуанна” моддасини оқ целофан пакетга солишиб муҳрлашиб холислар иштирокида ўзлари билан олиб келишган электрон тарозида тортиб кўришганида, унинг оғирлиги 71 гарамни ташкил қилганини, сўнг тинтув ўтказишганлиги ҳолати бўйича



тегишли хужжатлар расмийлаштиришганини, ИИБ ходимлари яшаш хонадониди аниқлашган “марихуанна” гиёҳвандлик моддаси ўзига тегишли эканлигини, чунки, у муқаддам 2023 йилда ИИБ ходимлари томондан аниқлаб олишган гиёҳвандлик ўсимлигини йўқ қилишгандан сўнг, ундан тўкилиб қолган шоҳ ва барглари териб олиб, кейинчалик истеъмол қилиши учун қора целофан пакетга солиб, яшаш хонадонининг ошхонасига миҳга илиб қўйганлигини, бу нарса энди унинг эсига тушганини, охири марта 2023 йилда ИИБ ходимлари яшаш хонадонини текширишганларидан олдин, у “марихуанна” гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилганини, шундан сўнг ушбу марихуанна гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилмагани ҳақида кўрсатув бериб, қилган ишидан пушаймонлигини билдириб, енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ О.Исмоилов судда, у Ёзёвон тумани, Баҳор маҳалласи ҳудудида жойлашган пахтани қайта ишлаб чиқариш корхонасида ёлланма меҳнат билан шуғулланиб келишини, 2024 йил 4 октябрь куни соат тахминан 06:30 ларда ишга отланиб, Ёзёвон тумани, Юқори Сойбўйи маҳалласи ҳудудига етиб келганида, ИИБ ходимлари уни тўхтатишиб, унга бир ишда холис сифатида иштирок этиб беришини сўрашганини, у рози бўлиб, ИИБ ходимлари унга ва яна бир холисга холисининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиришиб, шундан сўнг, улар ИИБ ходимлари билан унга шу иш бўйича таниш бўлган Ёзёвон тумани, Юқори Сойбўйи МФЙ, Шукрона кўчаси, 18-уйда яшовчи А.Назаровнинг яшаш хонадонига боришиб, ИИБ ходимлари А.Назаровга ўзларини таништиришиб, А.Назаровга унинг ёни ва яшаш хонадониди тинтув ўтказишларини, бунинг учун уларда жинойт ишлари бўйича Ёзёвон туман судининг ажрими борлигини кўрсатишиб, ажрим билан уни таништиришиб, унга агарда ёнида, яшаш хонадониди наркотик моддалар ёки шунга ўхшаш ноқонуний нарсалар бўлса, уларни ўз хоҳиши билан топширса, қонуний енгиллик бўлишини айтишганини, шунда А.Назаров ёнида ва яшаш хонадониди наркотик моддалар ёки шунга ўхшаш ноқонуний нарсалар сақламаслигини билдириб, ИИБ ходимларига яшаш хонадониди тинтув ўтказишлари учун розилик билдирганини, сўнг ИИБ ходимлари уларни ва хонадон эгасини иштирокида тинтув ўтказишганини, тинтув давомида А.Назаровнинг яшаш хонадонининг ошхонасига қоқиб қўйилган миҳга илиниб турилган қора целофан панкетни аниқлашиб, ушбу қора целофан пакетни уларга ва хонадон эгаси А.Назаровга очиб кўрсатишганида, унинг ичида майдаланган ва қуритилган ҳолдаги “марихуанна” гиёҳвандлик моддаси борлигини кўришганини, А.Назаров ушбу нарса “марихуанна” гиёҳвандлик моддаси эканлигини, уни ўзининг истеъмоли учун сақлаб келаётганлигини билдирганини, шундан сўнг, ИИБ ходимлари уларнинг иштирокида ушбу “марихуанна” гиёҳвандлик ашёвий далил тариқасида олишиб, битта оқ целофан пакетга солиб муҳрлашиб, ўзлари билан олиб келган электрон тарозида тортиб кўришганида, унинг оғирлиги 71 грамни ташкил қилганини, шундан сўнг, ИИБ ходимлари мазкур ҳолат



юзасидан тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришганини, у тинтув жараёнини ўз кўзи билан кўриб, бошидан охирига қадар иштирок этганини, ИИБ ходимлари томонидан А.Назаровга нисбатан руҳий ёки жисмоний тазйиқ ўтказилмагани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Р.Рахматов судда, у ёлланма меҳнат билан шуғулланиб келишини, 2024 йил 4 октябрь куни соат тахминан 06:30 ларда яшаш хонадонида чиқиб, Ёзёвон тумани, Юқори Сойбўйи маҳалласи ҳудудига етиб келганида, ИИБ ходимлари уни тўхтатишиб, унга бир ишда холис сифатида иштирок этиб беришини сўрашганини, у рози бўлиб, ИИБ ходимлари унга ва яна бир холисга холиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиришиб, шундан сўнг, улар ИИБ ходимлари билан унга шу иш бўйича таниш бўлган Ёзёвон тумани, Юқори Сойбўйи МФЙ, Шукрона кўчаси, 18-уйда яшовчи А.Назаровнинг яшаш хонадонига боришиб, ИИБ ходимлари А.Назаровга ўзларини таништиришиб, А.Назаровга унинг ёни ва яшаш хонадонида тинтув ўтказишларини, бунинг учун уларда жиноят ишлари бўйича Ёзёвон туман судининг ажрими борлигини кўрсатишиб, ажрим билан уни таништиришиб, унга агарда ёнида, яшаш хонадонида наркотик моддалар ёки шунга ўхшаш ноқонуний нарсалар бўлса, уларни ўз хоҳиши билан топширса, қонуний енгиллик бўлишини айтишганини, шунда А.Назаров ёнида ва яшаш хонадонида наркотик моддалар ёки шунга ўхшаш ноқонуний нарсалар сақламаслигини билдириб, ИИБ ходимларига яшаш хонадонида тинтув ўтказишлари учун розилик билдирганини, сўнг ИИБ ходимлари уларни ва хонадон эгасини иштирокида тинтув ўтказишганини, тинтув давомида А.Назаровнинг яшаш хонадонининг ошхонасига қоқиб қўйилган михга илиниб турилган қора целофан панкетни аниқлашиб, ушбу қора целофан пакетни уларга ва хонадон эгаси А.Назаровга очиб кўрсатишганида, унинг ичида майдаланган ва қуритилган ҳолдаги “марихуанна” гиёҳвандлик моддаси борлигини кўришганини, А.Назаров ушбу нарса “марихуанна” гиёҳвандлик моддаси эканлигини, уни ўзининг истеъмоли учун сақлаб келаётганлигини билдирганини, шундан сўнг, ИИБ ходимлари уларнинг иштирокида ушбу “марихуанна” гиёҳвандлик ашёвий далил тариқасида олишиб, битта оқ целофан пакетга солиб муҳрлашиб, ўзлари билан олиб келган электрон тарозида тортиб кўришганида, унинг оғирлиги 71 грамни ташкил қилганини, шундан сўнг, ИИБ ходимлари мазкур ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришганини, у тинтув жараёнини ўз кўзи билан кўриб, бошидан охирига қадар иштирок этганини, ИИБ ходимлари томонидан А.Назаровга нисбатан руҳий ёки жисмоний тазйиқ ўтказилмагани ҳақида кўрсатув берди.

Судланувчи А.Назаровнинг айби: унинг судда айбига иқроп бўлиб судда берган кўрсатуви ҳамда гувоҳ О.Исмоилов ва Р.Рахматовларнинг судда берган кўрсатувларидан ташқари, ходиса жойини кўздан кечириш ва ашёвий далилни олиш баённомаси ва мазкур баённомага илова қилинган фотосуратлар билан (9-12 и.в.), ашёвий далилни тортиб олиш



баённомаси билан (13 и.в.), судга оид кимёвий экспертиза хулосаси билан (21-22 и.в.), ашёвий далилни тортиб олиш баённомаси билан (20 и.в.) ҳамда мазкур жиноят ишида мавжуд бошқа объектив далиллар билан ҳам тасдиқланади.

Суд, судланувчи А.Назаровнинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келади.

Дастлабки тергов органи томонидан, судланувчи А.Назаровнинг илгари гиёҳвандлик воситаси билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этгани ҳолда, кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда сақлашда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а, б” бандлари билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 6-бандида, гиёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда сақлаш деганда, шахснинг бундай восита ва моддаларга қонунга зид равишда эғалик қилиши (шу жумладан шахсан истеъмоли) билан боғлиқ қасддан содир этилган ҳаракатлари (ёнида, бинода, махфий ер ва бошқа жойларда сақлаши) тушунилиши лозимлиги ва бунда шахс қанча вақт давомида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда сақлаганлиги аҳамият касб этмаслиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи А.Назаров илгари гиёҳвандлик воситаси билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этгани ҳолда, ўзининг Ёзёвон тумани, Юқори Сойбўйи МФЙ, Шукрона кўчаси, 18-уйининг ошхонасида бўлган миҳга илиниб турган қора целофан пакетда қуритилган ҳолда бўлган кўп миқдордаги 56 (эллик олти) грамм марихуана гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда сақлаб, жиноят содир этган.

Судланувчи А.Назаров ўз кўрсатувларида, у ИИБ ходимлари яшаш хонадониде аниқлашган “марихуанна” гиёҳвандлик моддаси ўзига тегишли эканлигини, чунки, у муқаддам 2023 йилда ИИБ ходимлари томондан аниқлаб олишган гиёҳвандлик ўсимлигини йўқ қилишгандан сўнг, ундан тўкилиб қолган шоҳ ва баргларини териб олиб, кейинчалик истеъмол қилиши учун қора целофан пакетга солиб, яшаш хонадонининг ошхонасига миҳга илиб қўйганлигини, бу нарса энди унинг эсига тушганини баён қилган.

Шундай бўлса-да, мазкур ҳолат А.Назаровнинг илгари гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс бўла туриб, яна шу турдаги жиноят содир этганликда айблашга олиб келади.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида “судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозим”лиги, Қарорнинг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, мазкур Пленум қарори талабларига риоя қилиб, судланувчи А.Назаровга нисбатан жазо тайинлашда, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини ҳамда оғирлаштирувчи ҳолат сифатида унинг илгари гиёҳвандлик воситаси билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этганлигини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а, б” бандлари билан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 60, 61-моддаларига асосан жиноят ишлари бўйича Ёзёвон туман судининг 2024 йил 10 сентябрдаги ажримига кўра, ЖК 73-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 2 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинганининг шартлилиги бекор қилиб, мазкур жазони тайинланган жазога қисман қўшиш йўли билан узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни ҳамда унга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасини қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартириб, қамоққа олишни лозим топади.

Судга оид наркологик экспертизанинг 2024 йил 15 октябрдаги 799-сонли хулосасида, А.Назаров “Гашишли гиёҳвандлик 2 босқич” касаллиги билан оғриши ва у мажбурий даволанишга мухтожлиги кўрсатилган.

Шу асосда, суд, судланувчи А.Назаровга нисбатан, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ даврида, ЖКнинг 96-моддасига асосан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини тайинлашни лозим топади.

Шунингдек суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, Ўзбекистон Республикаси ДХХ Фарғона вилоят бошқармасида 3570-сонли қвитанция билан сақланаётган, экспертиза жараёнида сарфланганидан қолган, қуритилган ҳолдаги 55,50 грамм марихуана гиёҳвандлик воситасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг йўқ қилишни лозим топади.



Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 13, 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473 ва 476-моддаларига асосланиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Назаров Адхам Комилович Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а, б” бандлари билан айбдор деб топилсин.

Назаров Адхам Комиловичга:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а, б” бандлари билан 3 (уч) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин;

Ўзбекистон Республикаси ЖК 60, 61-моддаларига асосан жиноят ишлари бўйича Ёзёвон туман судининг 2024 йил 10 сентябрдаги ажримига кўра, ЖК 73-моддасига асосан ўталмай қолган 1 йил 2 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинганининг шартлилиги бекор қилинсин ва мазкур жазони тайинланган жазога қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 3 (уч) йил 2 (икки) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони манзил-колонияларда ўташ белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2024 йил 25 ноябрдан бошлаб ҳисоблансин.

Назаров Адхам Комиловичга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилиб, суд залидан қамоққа олинсин ва у Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жазони ижро этиш департаменти 2-минтақавий ҳудуд 10-сон тергов ҳибсхонасига жойлаштирилсин.

Назаров Адхам Комиловичга нисбатан ЖКнинг 96-моддасига асосан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси тайинлансин ва у озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ даврида мажбурий тартибда даволантирилсин.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, Ўзбекистон Республикаси ДХХ Фарғона вилоят бошқармасида 3570-сонли қвитанция билан сақланаётган, экспертиза жараёнида сарфланганидан қолган, қуритилган ҳолдаги 55,50 грамм марихуана гиёҳвандлик воситаси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка ичида, маҳкум эса ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида, шу суд орқали Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

ИМЗО

Х.Ҳолиқов

нусхаси аслига тўғри:.

